
Ижтимоий тармоқлар орқали блогер Нигора Алимова ҳамда Музаффар Усмонов томонидан йўллаган видео мурожаат бўйича Данғара тумани ҳокимлиги матбуот хизматининг расмий жавоби.

Ижтимоий тармоқлар орқали блогер Нигора Алимова ҳамда Музаффар Усмонов томонидан “Данғара тумани ҳокими қишлоқ хўжалиги ерларини олиб тадбиркорларга бериб юбормоқда” сарловхаси остида йўллаган видео мурожаат бўйича Данғара тумани ҳокимлиги матбуот хизматининг расмий жавоби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоффликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармонга асосан ҳокимликларнинг ерни тўғридан-тўғри ажратиш ваколати бекор қилинган. Шунингдек, айни бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ерни олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш тақиқланган.

Фармонга кўра ҳокимликларнинг ерга оид қуйидаги ваколатлари бекор қилинган. • ерни тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, захиралаш, биритириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш; • туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ерга бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш; • суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар тоифасига ёки бошқа ер тоифасига, суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ер тоифасига ўтказиш; • жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш;

Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар очиқ электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиниши белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан Данғара тумани ҳокимлигига “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоффликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармон талабларига асосан ишлар ташкиллаштирилмоқда. Туман ҳокими томонидан ПФ-6243-сонли Фармонга зид бўлган қарорлар қабул қилингани йўқ.

2024-02-19 12:42:06